



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI



CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100128, Toshkent sh., Lahzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00. Tel.: (998 71) 241-22-53
ishonch tel.: 1159. www.consumer.uz. e-mail: info@consumer.uz e-xat: consumer@exat.uz

001091

“24” 01 2020 y. № 01-00/2024

“Telegram” каналларига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармонида мувофиқ ташкил қилинган Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги (Агентлик) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Агентлик ўзига юклатилган функцияларни амалга ошириш давомида “Телеграм” каналларида жойлаштирилаётган рекламаларни кузатиб, уларни таҳлил қилиб бормоқда.

Ўтказилган таҳлиллар, аксарият “Телеграм” каналларда жойлаштирилатган (тарқатилаётган) рекламалар Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги қонуни талабларига тўлиқ мос келмаслигини кўрсатмоқда.

Жумладан, энг кўп такрорланадиган қонунбузилиш ҳолати бу – рекламаларни айнанлаштириш билан боғлиқдир. Яъни, рекламалар бошқа ахборотдан (маълумотдан) ажратмаган ҳолда тарқатилишидир.

Ўз навбатида, “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, реклама, уни тарқатиш шакллари ёки воситаларидан қатъи назар, бошқа ахборотдан реклама деб ҳисоблаш мумкин бўладиган даражада ажратилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Шу билан бирга, маҳсулотга қизиқишни шакллантириш ва маҳсулот реализациясига кўмаклашиш учун маҳсулотнинг муайян маркасига (моделига, артикулига) ёки унинг ишлаб чиқарувчисига истеъмолчининг эътиборини атайин жалб этувчи, шунингдек мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки тарқатувчи шахсга тааллуқли маълумотлардан (реквизитлардан) иборат ахборот материали, муаллиф ва таҳририят материали – реклама ҳисобланади ҳамда у “Реклама” ёки “Реклама ўрнида” рукни остида жойлаштирилиши лозим.

Яна бир такрорланадиган хатоликлар рағбатлантирувчи тадбирлар (акция) ҳақидаги рекламаларда учраётган бўлиб, уларда мажбурий тарзда кўрсатилиши лозим бўлган асосий маълумотларнинг экс эттирилмаслигидир.

Ваҳоланки, иштирок этиш учун муайян маҳсулотни олиш шарт қўйилган рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбир ўтказишни тадбирнинг ташкилотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатлари, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш таъқиқланади (“Реклама тўғрисида”ги қонун 6-модда).

Тарқатилаётган рекламаларда нотўғри реклама белгилари (аломатлари) ҳам учрамоқда. Яъни, рекламаларда бирон бир хизмат бепул эканлиги (ҳақиқатда пуллик), бутун Ўзбекистон бўйлаб етказиб бериш хизмати (етказиб бериш ҳудудлари чекланган), асосий маълумот тақдим этилмаганлиги (электр энергиянинг қайси кучланишгача ишлаши), орттирма даражадаги сўзлардан фойдаланиш (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда) ва бошқалар.

Бундан ташқари, театр-концерт тадбирлари рекламаларида фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни тақдим этмаслик, даволаш қийин ёки умуман даволаб бўлмайдиган касалликларни тўлиқ бартараф этиш (масалан, онкологик, қанд касаллиги, бепуштлик), дори воситалари, биологик фаол қўшимчалар (БАД), энергетик ичимликлар, чилим (кальян) рекламасига қўйилган талабларга риоя этмаслик, электрон тижорат рекламасида сотувчи ҳақида маълумот бермаслик, жисмоний шахснинг фотосуратидан унинг розилигисиз рекламаларда фойдаланиш каби камчиликлар кўплаб учрамоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикасининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда рекламаларни амалга оширишингиз сўралади.

Маълумот учун, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари эслатиб ўтилади.

Директор



Э.Хайтметов